

УДК: 39(575.1)(09)

ЎЗБЕК МИФОЛОГИЯСИДА ЯДА ТОШИ КУЛЬТИ
КУЛЬТ КАМНЯ ЯДА В УЗБЕСКОЙ МИФОЛОГИИ
CULT OF YADA STONE IN UZBEK MYTHOLOGY

Жўраев Маматкул*ЎзР ФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ф.ф.д., проф.*

Таянч сўзлар: яда тоши, миф, афсона, мифологик тасаввур, мумтоз адабиёт, ёмғир тоши, туркий мифология.

Ключевые слова: культ камня погоды, миф, легенда, мифологическое воображение, классическая литература, каменный дождь, тюркская мифология.

Key words: yada stone, myth, legend, mythological imagination, classic literature, rain-stone, Turkish mythology.

Мақолада туркий халқлар мифологиясидаги “яда тоши” тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ҳамда уларнинг бадиий адабиётдаги талқинлари хусусида сўз юритилган. Ўзбек фольклоридagi Ядачи бобо култи ва ёмғир ёғдириш маросимининг генетик асослари яда тоши ҳақидаги тасаввурларга боғлиқлиги кўрсатилган.

В статье дан анализ художественной литературы тюркских народов, в которых упоминается мифический камень яда. Также приведены факты, связанные с культом дедушки Ядачи, способного вызывать дождь.

The article is devoted to the mythological imaginations about “yada stone” in the mythology of the Turkic peoples and their interpretations in belles-lettres literature. The research shows that the cult of the old man Yadachi and the genetic basis of the rainfall ceremony are related to the imaginations about yada stone.

Кириш. Ўтмишда табиат ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини билмаган қадимги одамлар қурғоқчилик ва сувсизликдан қийналган пайтларида муайян сеҳргарлик амалларидан иборат ритуал маросимларни ўтказиб, ёғин-сочин ва сув маъбудларига мурожаат қилиб, улардан мадад сўраганлар. Ёмғир ёғдириш мақсадида ўтказилган ана шундай қадимий маросимлар орасида туркий қавмлар мифологиясида “ёмғир тоши” сифатида тасаввур қилинган “яда тоши” воситасида амалга оширилган ритуаллар алоҳида ўрин тутди. “Яда тоши” ҳақидаги мифологик тасаввурлар ва унинг ёрдамида ўтказилган ёмғир чақириш ритуаллари ҳақида Ф. Купрулизода, С.Е. Малов, Ф. Сумер, Ж.А. Бойл, Т.А. Аникеева, Н. Абубакирова-Глазунова, Э.П. Бакаева, Ф.Г. Хисамитдинова, З. Ақдениз, В.А. Кисель, К.В. Яданова, З.Г. Аминев сингари хорижлик олимларнинг тадқиқотлари чоп этилган¹. Ўзбекларнинг “яда тоши” тўғрисидаги мифологик инончлари ва бу тош билан

¹Туркий халқларнинг “яда тоши” билан боғлиқ мифологик тасаввурлари ва маросимлари ҳақида қаранг: **Köprülü F.** Eski Türklerde dinî-sihirî bir an'ane “Yat” veya Yağmur Taşı // İstanbul Darülfünun Edebiyat Fakultesi Mecmuası. – İstanbul, 1925. – s.3; **Малов С.Е.** Шаманский камень “яда” у тюрков Западного Китая // СЭ. – М., 1947. – №1. – С.151-160; **Sümer F.** Eski Türklerde Yağmur ve Kar Yağdırma Âdeti // Resimli Tarih Mecmuası, 4. cilt 44. – Ankara, 1953. – s. 2533-2535; **Boyle J.A.** Turkish and Mongol Shamanism in the Middle Ages // Folklore. Vol. 83. No. 3. – Manchester, 1972. – P. 177-193; **Аникеева Т.А.** Волшебный камень “яда” и обряд вызывания дождя у тюрков Центральной Азии // Мир Центральной Азии. Т.1. Археология. Этнология. – Улан-Удэ, 2002. – С.80–85; **Абубакирова-Глазунова Н.** Обряды вызывания дождя. Игровые формы и мифологические корни // Механизм передачи фольклорной традиции. – СПб., 2004. – С.154-164; **Бакаева Э.П.** Джангарчи и задычи: к проблеме мифологического и религиозного исследования эпоса “Джангар” // Проблемы этнической истории и культуры тюрко-монгольских народов Южной Сибири и сопредельных территорий. – М., 1996. – Вып.2. – С. 8-29; **Яна ўша.** Добуддийские верования калмыков (исследование и опыт реконструкции): АДД. – М., 2006. – С. 28-32; **Хисамитдинова Ф.Г.** Мифологический словарь башкирского языка. – М.: Наука, 2010. – С. 130; **Кисель В.А.** Чудесный камень тувинцев в свете традиционных представлений о “камне дождя” // <http://www.kunstkamera.ru>; **Яданова К.В.** Камень погоды яда таш у алтайцев // Сибирский педагогический журнал. – Новосибирск, 2007. – №5. – С.186-197; **Яна ўша.** Камень погоды яда таш (по материалам экспедиций в Кош-Агачский р-н Республики Алтай) // Поэтика жанров фольклора народов Сибири: Миф. Эпос. Ритуал. – Новосибирск, 2007. – С. 65-73; **Яна ўша.** О камне погоды – яда таш // Изучение историко-культурного наследия народов Южной Сибири. – Горно-Алтайск, 2007. – Вып.5. – С. 168-174; **Яна ўша.** В поисках камня

алоқадор халқ қарашларининг бадий адабиётдаги талқинлари Б. Саримсоқов, М. Жўраев ва Н. Жўрақўзиевларнинг ишларида анча кенг ёритилган².

“Сеҳрли” ёмғир тоши кўмагида шамол, чақмоқ, бўрон қўзғатиш, ёмғир, қор ёғдириш ёки бемаврид ёққан ёғингарчиликни тўхтатиш маросимлари аждодларимизнинг табиат ҳодисаларини тилсимлаштириш билан боғлиқ эътиқодий қарашлари замирида келиб чиққан. Ўтмишда табиат ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини билмаган қадимги одамлар қурғоқчилик ва сувсизликдан қийналган чоғларида сеҳргарлик қилиб, табиатга, ёғин-сочин ва сув маъбудларига магик таъсир ўтказиш мумкин, деб ўйлаганлар. Бинобарин, сеҳрли “ёмғир тоши” кўмагида шамол, чақмоқ, бўрон қўзғатиш, ёмғир-қор ёғдириш ва уларни тиндириш удумлари боболаримизнинг табиат ҳодисаларини тилсимлаштириш билан боғлиқ эътиқодий инончлари замирида шаклланган. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган афсоналар талқинига кўра, яда деб аталувчи рангдор тошга ҳайвон ёки қуш қонини суртиб, афсун ўқилгач, қуёшга қаратилса ёки сувга солинса, ўша заҳотиёқ шамол пайдо бўлиб, булутларни ҳайдаб келар ва ёмғир ёға бошларкан. Қадимги туркий қавмлар булут ва ёмғирни мўътабар санашган. Чунки, ёғин-сочин мўл бўлса, яйловларда ўт-ўланлар барқ уриб ўсади, лалмикор ерларга экилган донли экинларнинг ривожига тезлашади. Шу боис, аждодларимиз табиат эҳсонига кўз тикиб, қурғоқчилик бўлганда, томчи ёмғирниям кўзга тўтиё қилиб яшаганлар. Ҳар бир туркий қавмнинг ўз афсунгари – ядациси бўлган. Кўклам қурғоқ келса, у сеҳрли тош – яда ёрдамида дуо ўқиб, турли магик усуллар, афсун ва айтимлар билан табиат ҳодисаларининг “эгалари”дан ёмғир юборишини сўраганлар.

Яда тоши ва ёмғир ёғдириш маросимига алоқадор маълумотлар туркий элатлар тарихининг илк даврига оид ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди. Хусусан, Хитой тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, милоднинг VI асрида яшаган қадимги туркий қоҳинларидан бири Ичжини Нишиду ғайритабиий қудратга эга бўлган: у афсун ўқиб, ёмғир ва шамол чақира олар экан [1, 18]. Бу қайдноманинг келтирилиши тасодифий бўлмаса керак. Чунки “яда” деб аталувчи бу ғаройиб тош билан сеҳргарлик қилиб мўъжиза кўрсата олувчи кишилар ва ёмғир ёғдиришнинг бундай магик усуллари ҳақидаги афсоналар туркий халқлар орасида кенг тарқалганлиги маълум.

Афсоналардан бирида ҳикоя қилинишича, Нуҳ алайҳиссалом ўзига қарашли ҳудудни фарзандларига тақсимлаб берганида Туркистон ўрнидаги жой кенжатоий Яфетнинг чекига тушган экан. Ўша пайтларда одам боласининг қадами етмаган кимсасиз саҳродан иборат бўлган бу жойларда Яфет ва унинг қавми қандай қилиб истиқомат қилар экан, дея хавотирланган Нуҳ алайҳиссалом:

– Эй яратган эгам, бандаларингни ўз паноҳингда сақла! Ўғлим Яфетга шундай бир калимани ўргатгинки, токи ёмғирга эҳтиёж сезганида ўша сўзларни такрорлаганда муроди ҳосил бўлсин! – деб Оллоҳга илтижо қилибди.

Бу илтижо ижобат бўлиб, худо ўша заҳотиёқ Яфетга битта сеҳрли оятни ўргатибди. Яфет эса бу сўзларни бир тошга ўйиб ёзиб, беҳосдан йўқотиб қўймаслиги учун бу тошнинг ичидан ип ўтказиб бўйнига осиб юрадиган бўлибди. Йил қурғоқ келиб, даладаги экин-тикинлару яйловлардаги ўт-ўланлар қовжирай бошласа, ўша тошга битилган сеҳрли сўзни айтиб, Оллоҳдан нажот сўраса, дарҳол осмонда булут пайдо бўлиб, ёмғир ёға бошлар

погоды – яда таш // Исторический вестник. – Горно-Алтайск, 2007. – Вып. I. – С. 163-171; Яна ўша. Предания, легенды, былички теленгитов долины Эре-Чуй. – Горно-Алтайск, 2013. – С. 123-134; Zeypen Akdeniz. Yada taşı Nakkinda // <http://www.Ege.edebiyat.org> сайтидан; Аминев З.Г. Абдулкадир Инан о камне яда и об обрядах вызывания дождя // Ахнаф Харисов и актуальные проблемы башкирской филологии. – Уфа, 2014. – С. 249-251.

²Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 57-110; Жўраев М. “Яда тошига қон еткан...” ёки ёмғир тоши ҳақида афсона // “Ёшлик”. – Тошкент, 1991. – 1-сон. – Б. 60-62; Жўраев М., Абдусаломова Н., Сатторов У. Алишер Навоий лирикасида “яда” тоши билан боғлиқ мифологик қарашлар // “Алишер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси” мавзусидаги Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган V анъанавий республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 2014. – Б. 29-33; Жўрақўзиев Н.И. Туркий адабиётда “яда” тоши тимсолининг қўлланилиши (Алишер Навоий асарлари мисолида) // Алишер Навоий “Хамса”си ва унинг шарқ адабиёти тараққиётидаги улкан мавқеи. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2015. – Б. 135-137; Яна ўша. Алишер Навоий асрларида афсонавий яда тоши тимсоли // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. 3-китоб. – Тошкент, 2014. – Б. 30-35; Яна ўша. Древнетюркский мифический камень яда в произведениях Алишера Навои // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2014. – №5. – С. 46-47.

экан. Ўша мўъжизакор тошнинг яна бир ғаройиб хислати шунда эканки, бир идишдаги сувга бу тошни солиб, кейин сувни бемор кишига ичирса, у барча дардларидан фориб бўлиб, соғайиб кетаркан.

XI асрнинг зукко муаррихи Гардизий ёзиб қолдирган ушбу афсонага кўра, Яфет авайлаб-асраб келган бу тош унинг авлод-аждодларига мерос бўлиб қолган ҳамда туркий қавмларнинг “ёмғир тоши” воситасида табиатга сирли таъсир ўтказиб, ёгин ёғдириш ёки уни тўхтатиш маросимлари шу тариқа келиб чиққан экан [2, 48].

Гардизийга замондош бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам яда тоши билан боғлиқ ҳайратомуз маълумотлар келтирилган. “Девон”нинг 3-жилди, 8-саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз: “Яда – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш усулидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен бунга яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни сўндирди” [3, 8]. Туркий элатлар диёрини кезиб, халқ оғзаки ижодиёти ва маросимларини синчиклаб ўрганган Маҳмуд Кошғарий “ёмғир тоши” тўғрисидаги халқ қарашларини тўплаган, ҳатто айрим ядачилар билан ҳамсуҳбат бўлганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. У афсонавий тош ёрдамида табиатга таъсир ўтказиш маросимини шундай тасвирлайди: “Бек ядачига дуо ўқитди. Шунинг учун шамол эсди. Ёмғир ёғди. Бу ҳодиса турклар мамлакатада машҳурдир. Тош орқали шамол, ёмғир, совуқ кўзғатилади” [4, 410]. “Девон”нинг 3-жилд, 322-саҳифасида эса “*ятлади*” феълига Маҳмуд Кошғарий “афсунчи ёмғир ёғдириш учун яда тоши билан дуо ўқитди”, деб изоҳ беради.

Маҳмуд Кошғарийдан бир аср бурун яшаб ўтган Ибн Ал-Фақих қаламига мансуб “Китоби ахбор ал-булдон”, яъни “Мамлакатлар ҳақида ахборотлар китоби” асарининг ўғузлар диёри тасвирига бағишланган бобида ҳам яда тоши тўғрисидаги афсоналардан бири келтирилган: “Нақл қилишларича, кунлардан бир кун ўғузларнинг улуғ аждодларидан бири сайру саёҳатга чиқиб, ов овлаб, вақтихушлик қилиб юра-юра сеҳрли тоғ жойлашган мамлакатга бориб қолибди. Чўққилар ортидан кўтарилаётган қуёшнинг қизғиш нурлари бирпасда чор-атрофдаги барча нарсаларни жизғанақ қилиб юборибди. Ерли аҳоли эса эрта тонгданоқ қуёш нури тушмайдиган қоронғи ертўлалар ва ғорларга бекиниб олишар, ёввойи ҳайвонлар эса фақат шу тоғдагина бўладиган сеҳрли тош туфайли жазирама иссиқдан жон сақлашар экан. Ўғузларнинг бобокалони эътибор бериб қараб турса, дарада ўтлаб юрган ҳайвонлар офтоб чиқиши билан “ёмғир тоши”нинг кичкинагина бир бўлагини оғизларига солиб олганча, бошларини тепага кўтариб осмонга қарашар, шу пайт кўк юзини булут қоплаб, жониворларни ўз паноҳига оларкан. Улуғ ҳоқон ана шу “ёмғир тоши”нинг бир бўлагини ўз юртига олиб келган ва қавмларига мерос қилиб қолдирган эмиш” [5, 122].

Бу афсона Амин Розий, Нажиб Ҳамадоний, Тамим ибн Баҳр каби муаррихларнинг асарларида ҳам турли хил вариантларда нақл қилинган. Масалан, Амин Розийнинг “Ҳафт иқлим” асарида келтирилишича, турк ҳоқони сеҳрли “ёмғир тоши”ни афсонавий ўлкадаги бир қоядан синдириб олиб келган эмиш. Унинг қавми ёгин-сочин камчил бўлган пайтда тошларни бир-бирига тегизиб, тангридан ёмғир сўраб илтижо қилишар экан. Кейинчалик, ҳоқоннинг амрига кўра, ҳунармандлар ана шу тошдан мўъжазгина бир ҳайкалча ясабдилар. Қурғоқчилик бўлганда ёмғир ёғдириш учун ана шу “ёмғир тоши”дан ясалган ҳайкалчага қараб туриб афсун сўзларини айтишган экан [5, 122-123].

Яда тоши ҳақидаги мифологик тасаввурлар қадимги туркий қавмларнинг деярли барчасига маълум бўлган. X асрда яшаб ижод қилган машҳур муаррих Абу Дўлафнинг маълумотларига қараганда, қорлуқ қабиласи ҳам “ёмғир тоши”ни мўътабар ҳисоблаган. Яшил рангли бу тошни улар азиз билиб сиғинишар, ёгин-сочин камчил бўлган вақтларда унинг шарафига қурбонликлар қилишаркан.

Таниқли тилшунос олим Л. Будагов ўз луғатида: “яда – сеҳрли тош, унинг ёрдамида ёмғир ва қор ёғдирилади ёки тиндирилади. Мўғул тилидаги “*дзада*” сўзи ёгингарчилик маъносини англатади” [6, 351], – деб ёзган. Қирғизлар бу тошни “*жайташы*” дейдилар [7]. Бинобарин, қирғиз фольклорида қайд этилган афсоналардан бирида айтилишича, “жайташы” қўйларнинг ошқозонида бўладиган ғаройиб бир тош бўлиб, махсус дуо

ўқигандан кейин уни сувга солса, ёмғир ёғаркан [8]. Сахалар, яъни ёқутлар тилида эса ёғин-сочин чақириш маросимида қўлланилган бу ғаройиб тош “*сата*” деб аталади. Ёқутлар ана шу тошни бошдан айлантериби, кун тиғига қаратса, об-ҳавога таъсир ўтказиш мумкин, деб ишонишган. Тувалар ҳам худди саха-ёқутлар сингари “*ядаташ*” деган магик тошни бошдан айлантериби, ёғин-сочин чақиришган. Шунингдек, тоғли олтойликлар “ёмғир тоши”ни “*дыадаташ*” дейишса, бурятлар “*зада*” дейишган [9, 26-27]. Туркийшунос олим В.В. Радлов ўзининг “Опыт словаря тюркских наречий” асарида бу лексемани “*jada*” тарзида келтириб, унинг маъносини “ёмғир ва қор ёғдириш ёки ёғин-сочинни тўхтатиш мақсадида қўлланиладиган магик тош; шу маросим чоғида айтиладиган сўз” деб изоҳлаган [10]. Бошқирд мифологиясига кўра “*йәйташ*” (яъни “ёз-тош”) осмон билан замин бирлашган жойда, ернинг киндигида бўладиган афсонавий тош бўлиб, унинг воситасида ёмғир ёғдириш мумкин, деб тасаввур қилинган [11].

Бизнингча, “ёмғир тоши” ҳақидаги ирим-сирим ва афсоналар қадимги туркий қавмларнинг мифологик эътиқодлари билан боғлиқдир. “Яда” сўзи қадим замонларда об-ҳавога сирли йўсинда таъсир этиш мақсадида ўтказилган жодугарлик амалларидан бирининг номи сифатида қўлланилган. Бошқирд тилшуноси Ф.Г. Хисамиддинованинг фикрича, бу мифоним қадимги туркий тилда “сеҳргарлик”, “жодугарлик” маъноларини билдирувчи “*jad-jat*” ўзагига алоқадордир [11]. Ўзбек тилидаги “яда” ва “жоду” сўзларининг бир-бирига уйқашлиги ҳам шу фикрда жон борлигини кўрсатади. Қайд қилиш жоизки, туркий тилларнинг этимологик луғатини яратган тилшунослардан бири Э.В. Севортяннинг фикрича, “яда” сўзининг келиб чиқиш манбаи қадимги прототуркий тилда “сеҳргарлик” маъносида қўлланилган “йай” сўзига боғланиши ҳам мумкин [8].

Қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи бошқирд ва қирғиз халқлари мифологиясидаги “ёмғир тоши” тўғрисидаги тасаввурларни қиёсий ўрганган тадқиқотчи А.Молнернинг тахминича, “яда” мифонимининг келиб чиқиши қадимги туркийча “*yād/yāḍ*” (>*yāda/jāḍa*) лексемасига боғланган бўлиб, қадимги форс тилидаги “*yātav*” (яъни “сеҳргарлик”, “афсунгарлик”, “сеҳргар”), сўғд тилидаги “*y’tak*” (“сеҳргар”) сўзлари ҳам шу прототуркий луғавий бирликка алоқадордир [12].

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўғд тилида ҳам “ёмғир тоши”нинг номи сифатида қўлланилган “*yad*” сўзи мавжуд бўлиб, айрим олимлар бу лексемани “Авесто”да “жодугарлик” маъносида ишлатилган “*jatu*” сўзига боғлайдилар [8].

Мўъжизакор тош ҳақидаги қадимий афсоналар бизнинг аجدодларимизга ҳам маълум бўлган, албатта. Хусусан, халқимиз орасида асрлар оша ардоқланиб келинган қадимий анъаналар ва маросимлар билан боғлиқ сўзлар сеҳрини нозик англаган Алишер Навоийнинг ғазалларида ҳам “яда” тоши тўғрисидаги инончларнинг изларини учратамиз. “Ғаройиб-ус сиғар”даги “Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблаи мақсуд” деб бошланадиган ғазалда шундай байт бор:

*Яда тошига қон етгач, ёғин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълине шароб олуд.*

Байтда қандайдир сирли тош воситасида сеҳр-жоду йўли билан ёмғир ёғдириш ҳақида гап кетаётганлигини сезиш қийин эмас. Зеро, ўша даврларда ҳам лалмикор ерга экин экиб, деҳқончилик қилувчи соҳибкорлар сув танқис бўлган йиллари яда тоши воситасида табиатдан қулай об-ҳаво, ёмғир ва қор тилаганлар. Бунинг устига Навоийга деярли замондош бўлган буюк қалам соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” - сида Хожа мулла Садрни таърифлар экан: “Толиби илмлиги бор эди, луғатни хили билур эди, иншоси ҳам яхши эди. Қушчулугни ва ядачиликни ҳам билур эди”, – деб ёзади [13, 98]. Ана шу маълумотларнинг ўзи яда тоши ҳақидаги мифик тасаввурлар ва бу тош воситасида ёмғир тилаш билан боғлиқ маросим XV – XVI асрларда ҳам ўтказилиб келинганлигидан далолат беради.

Қадимги аجدодларимиз ёмғир ёғдириш маросимларида қўллаган магик ашё – яда тоши ҳақидаги мифологик тасаввурлар мумтоз адабиётимиз бадииятини бойитувчи поэтик тимсолларнинг юзага келишига асос бўлди. Яда тоши воситасида образ яратиш санъати Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати туфайли анъанага айланди ва бошқа шоирлар ижодида ҳам давом эттирилди. Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги

Шарқ қўлёзмалари марказида 940 – инвентарь рақами билан сақланаётган нодир асарлардан бири “Мунисул ушшоқ”нинг 1036-варағидаги ғазалда мана бу байт учрайди:

*Лабинг хаёлида кўзлар анингдек ашкфишондур,
Ки тўкмак ила ёғин қонға тушса ҳам яда қилмас.*

Яда тоши билан ёмғир ёғдириш маросимлари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда ХХ аср бошларигача сақланиб келган. Чунки таниқли этнограф Т.Д. Баялиеванинг ёзишича, ўтган асрнинг аввалида икки қирғиз “жайчи”си – ядачиси – тянь-шанлик Тўктурбой Чолпонбоев (черик уруғидан) ҳамда жанубий қирғизистонлик Суюмали Қосимов (босиз уруғидан) “жай таш” (яда тоши) ёрдамида сеҳргарлик қилиш билан шуғулланишган экан [14, 54].

“Яда” тоши воситасида ёмғир ёғдириш ҳақидаги мифологик тасаввурлар бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Хусусан, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Уларбиби қишлоғида яшовчи 77 яшар Иззат биби Мажидовадан 1991 йилдан ёзиб олинган маълумотга кўра, тўйида ёмғир ёғадиган кишиларни “*ядаси бор*” дейдилар. Агар бола ёшлигида қатиқ ивитилган идишнинг тубини яласа, тўйида қор ёки ёмғир ёғади, деб ирим қилинади.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг 1983 йилги Оҳангарон фольклор экспедицияси таркибида олиб борган изланишларимиз натижасида ёмғир ёғдирувчи афсонавий ҳомий – пир Ядачи бобо тўғрисидаги инончларнинг қолдиқ ҳолдаги кўринишини аниқлаган эдик. Ангрен яқинидаги Ертош қишлоғида яшовчи Турсунбой Боликуловнинг айтишича, *Ядачи бобо* кўлидаги узун қамчиси билан булутларни бир жойга тўплаб, савалаганда ёмғир ёғар экан. Ана шу мухтасар маълумотнинг ўзи қадимда ўзбек мифологиясида “яда” тоши воситасида ёғин-сочин ёғдирувчи афсонавий персонажлар тўғрисидаги мифлар ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса. Кўринадики, аждодларимизнинг қадимий мифологик тасаввурларига кўра, ёмғир, қор, дўл каби табиий ҳодисаларидан ҳар бирининг ўз “эга”си мавжуд деб қаралган. Тирикчилиги табиий ҳодисалар, об-ҳаво ўзгаришлари ва фасллар алмашинуви билан бевосита боғлиқ бўлган қадимги одамлар ёғингарчиликнинг мўл бўлишини ана шу мифологик ҳомийларнинг эҳсони деб билишса, қурғоқчиликни эса табиат ҳодисалари “эга”ларининг ғазабига ёки эзгуликка қарши курашувчи ёвуз руҳларнинг хуружидан деб билганлар.

Шу тариқа ёғин-сочинга эҳтиёж сезилганда ёки ҳаддан ортиқ даражадаги ёғингарчиликни тўхтатиш зарурати туғилганда табиат ҳодисаларининг мифологик ҳомийларидан мадад сўрашнинг магия усуллари билан иборат маросимлар келиб чиққан. Туркий қавмларнинг “яда” тоши воситасида ёмғир ёғдиришни ёки уни тиндириш мақсадида ўтказган маросимлари ҳам ана шу эътиқодий қарашлар натижасида шаклланган.

АДАБИЁТЛАР

1. **Абрамзон С.А.** Этнографические исследования С.Е. Малова //Тюркологический сборник. – М.: Наука, 1978. – С. 18.
2. **Бартольд В.В.** Извлечения из “Зайнул ал-ахбор” //Бартольд В.В. Сочинения. – М., 1973. – Т.VIII. – С. 48.
3. **Кошғарий М.** Девону луғотит турк. 3-том. – Т.: Фан, 1963. – Б. 8.
4. **Кошғарий М.** Девону луғотит турк. 2-том. – Т.: Фан, 1962. – Б. 410.
5. **Агаджанов С.А.** Очерки истории огузов и туркменів Средней Азии IX-XIII вв. – Ашхабад: Ылым, 1969. – С. 122-124.
6. **Будагов Л.** Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. – М., 1899. – Т.2. – С. 351.
7. **Юдахин К.** Кыргызча-орусча сөздүк. – М., 1965. – С. 715.
8. Бу ҳақда қаранг: **Севортян Э.В.** Общeturкские основы на буквы “Ж”, “Й” //Этимологический словарь туркских языков. – М.: Наука, 1989. – С.195.
9. **Айтмукашова А.А.** Лексика обрядового фольклора: идиоэтническая семантика: АҚД. – Алма Ата, 2007. – С. 26-27.
10. **Радлов В.В.** Опыт словаря туркских наречий. – СПб, 1893-1911. – Т.III. – С. 207.
11. **Хисамитдинова Ф.Г.** Мифологический словарь башкирского языка. – М.: Наука, 2010. – С. 130.
12. **Molnar A.** Weather Magic in Inner Asia //Uralic and Altaic Series. – Bloomington, 1994. – № 158. – P. 104-116.